Ҳуқуқшунос аёллар анжумани

Американинг юристлар ассоциацияси АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД)нинг «Глобал» лойиҳаси билан биргаликда Тошкентдаги Амир Темур музейида «Марказий Осиёда аёллар ва ҳуқуқ» халқаро анжуманини ўтказмоқда. Хотин-қизларнинг юридик ҳуқуқларига бағишланган анжуманда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистоннинг 100дан ортиқ ҳуқуқшунос аёллари ҳамда хотин-қизларнинг давлатга қарашли бўлмаган ва нотижорат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этаётир.

Халқаро анжуманни ўтказишдан мақсад Ўрта Осиё барча республикаларидаги хотин-қизлар учун мавжуд юридик ҳимояни баҳолаш, бу борадаги ўхшашликлар ва тафовутларни аниқлашдан иборат. Муҳокамани Ўрта Осиё, АҚШ ва Россиянинг ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича мутахассислари олиб боришмоқда. Қатнашчилар ахборот алмашиш ва ҳамкорлик бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқадилар.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Гўзаллик танлови

Мамлакатимиз пойтахтида «Мисс Ўзбекистон-99» биринчи республика гўзаллик танловининг якунловчи босқичи бошланди. Унда республикамиз барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида саралаш босқичидан ўтган 25 қиз иштирок этмоқда. Номзодларни танлаш вақтида уларнинг ташқи кўринишлари эътиборга олинди. Лекин асосий мезон қизларнинг заковатлари, ибоси, тарбияси ҳамда мамлакатимиз ва халқимиз тарихи, анъаналари ва урф-одатларини қай даражада билишлари ташкил этди. Шуни айтиш керакки, бизнинг гўзаллик танловимиз «Жаҳон гўзали», «Коинот гўзали» каби танловлардан шарқона жиҳатлари билан ажралиб туради. Алишер Навоий номидаги Академик опера ва балет театрида 31 октябрда якунланадиган финалга қадар танлов қатнашчилари иштирокида бир қатор ҳайрия тадбирлари амалга оширилади, мамлакатимиз гўзал қизлари хотин-қизлар қўмитаси вакиллари билан учрашадилар. «Тамға» савдо маркази, «Мир» Фаст Фуд, «NOVA» мева шарбатлари «SHERATON TASHKENT» меҳмонхонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси биринчи республика гўзаллик танловининг ҳомийлари бўлишди.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Тил ва тикланиш

Тилимизнинг Давлат тили деб эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида анжуман бўлиб ўтди. Йиғилишни мазкур академия ректори А. Азизхўжаев бошқарди. Мутахассислар тилимизнинг равнақи, тил тўғрисидаги қонуннинг қандай бажарилаётгани, ҳужжатчилик билан боғлиқ юмушлар, атамалар ҳамда миллий тикланиш ва тилнинг ижтимоий мавқеи хусусида маърузалар ўқишди. Музокараларда Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир А. Орипов, шоирлардан Ш. Салимова, М. Юсуф, олимлардан Н. Маҳкамов ва А. Содиқовлар қимматли фикрларни билдирдилар. Йиғилиш ўзига хос мушоира билан якунланди.

Гулмира ТУРСУНОВА

Муҳим мулоқот

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раҳбариятининг мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг, Мадлен Строг Вилкенс хоним бошчилигидаги «Эҳтиёжларни баҳолаш миссияси» номли, экспертлар гуруҳи аъзолари билан, учрашуви бўлиб ўтди. Меҳмонлар партиянинг мамлакатимиздаги бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриши, унинг сайловолди Сиёсий дастури, сайловларни ташкил этишга даъват этилган сайлов комиссиялари билан ўзаро муносабатлари ва бошқа масалалар билан қизиқдилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон ХДПнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти, унинг дастурий мақсади ва ғоялари ҳамда бўлажак сайловлар муносабати билан олиб бораётган ишлари хусусида сўзлаб берди, меҳмонларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Учрашувда Марказий Кенгаш котиблари И.Кочмарик ва А.Рустамов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 23 октябрь, шанба • № 124 (25.519).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ОБУНАНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШ — МУҲИМ ПАРТИЯВИЙ ИШ!

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон ХДП МК Котибияти "Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия матбуот нашрларига 2000 йил учун обунани уюштириш юзасидан вазифалари тўғрисида" қарор қабул қилган эди. Унда таъкидланишича, "Мулоқот" журнали, "Ўзбекистон овози" ва "Голос Узбекистана" газеталари ҳамда маҳаллий партия ташкилотларининг нашрлари — "Халқ иродаси "(Наманган), "Регистон"(Самарқанд), "Қарақалпақстан ҳаўазы", "Халқ йўли"(Сурхондарё) ва "Қашқадарё эфирда" рўзномалари мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини ёритиш, ХДП қурултойлари, Марказий Кенгаш пленумлари, МК Сиёсий ижроия қўмитаси ва Котибияти асосий ҳужжатларини оммалаштириш борасида муайян ишларни амалга оширдилар. Мамлакатимиздаги ялпи сайловлар муносабати билан уларнинг аҳамияти янада ошмоқда. Шу муносабат билан партия газеталари ва "Мулоқот" журналига 2000 йил учун обунани юксак даражада ўтказиш талаб қилинади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти бу соҳадаги қуйидаги вазифаларни белгилади.

"Мулоқот" журнали, "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" ва маҳаллий партия кенгашлари газеталарига 2000 йил учун обунани юксак уюшқоқлик билан ўтказиш Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ва барча бошланғич ташкилотларининг ҳамда мазкур матбуот нашрлари таҳририятларининг сиёсий бурчи ва масъулиятли вазифасидир.

Ушбу вазифани талаблар даражасида бажаришни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ҳамда Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида, биринчи котиблар бошчилигидаги, шунингдек, "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари ва "Мулоқот" журнали таҳририятларида, бош муҳаррирлар раҳбарлигидаги, махсус ишчи гуруҳлари тузилиб, уларга обуна жараёнини тезкорлик билан бошқариб бориш вазифаси топширилди.

МК Котибияти 2000 йил учун партия марказий нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказишда энг юқори натижаларга эришган Ўзбекистон ХДП кенгашларини рағбатлантириш мақсадида, махсус мукофотлар белгилади ва ғолибларни аниқлаш Низоми ҳамда уларни мукофотлаш шартларини тасдиқлади. Ғолиб, деб топилган, партия кенгашларига Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиғи ва пул мукофоти топширилади. Обунани уюшқоқлик билан ўтказишга шахсан катта ҳисса қўшган фуқароларни тақдирлашни "Ўзбекистон овози", "Голос Узбекистана" газеталари ва "Мулоқот" журнали таҳририятлари амалга оширадилар.

Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига 2000 йил учун обунани уюштиришда энг юқори натижаларга эришган партия кенгашлари учун қуйидаги мукофотлар белгиланди

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари учун

— 1 (бир) та биринчи ўрин;
— 1 (бир) та иккинчи ўрин;
— 1 (бир) та учинчи ўрин таъсис қилинди.

Биринчи ўринни эгаллаган вилоят партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 100.000 (юз минг) сўм;

Иккинчи ўринни олган вилоят партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 70.000 (етмиш минг) сўм;

Учинчи ўринни эгаллаган вилоят партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 50.000 (эллик минг) сўм пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Туман, шаҳар партия кенгашлари учун:

- 2 (икки) та биринчи ўрин;
- 2 (икки) та иккинчи ўрин;
- 2 (икки) та учинчи ўрин
таъсис этилди.

Биринчи ўринни эгаллаган шаҳар, туман партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 50.000 (эллик минг) сўм;

Иккинчи ўринни олган шаҳар, туман партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 35.000 (ўттиз беш минг) сўм;

Учинчи ўринни эгаллаган шаҳар, туман партия кенгаши Ўзбекистон ХДП МК Фахрий ёрлиғи ва 25.000 (йигирма беш минг) сўм пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Ғолиблар, обуна мавсуми тугагандан кейин, Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари ҳамда алоқа муассасаларининг маълумотномалари асосида, МК ишчи гуруҳи томонидан тақдим этилган таклифларга қараб, Марказий Кенгаш Котибияти томонидан аниқланади.

Ғолибларни тақдирлаш ҳақидаги тегишли қарор партия матбуотида эълон қилинади.



Куз салтанати

Владимир ПАНОВ олган сурат

Муносиб тўёна

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигига 10 йил тўлди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози» газетаси хайрли ишни бошлаган эди. Куни кеча жой номларининг тўғри аталишини, ягона адабий тил бирлигини таъминлаш мақсадида газета саҳифаларида чоп этилган «Тил дарё — дарёмизни асрайлик» рукнидаги атамалар бурчаги жамланиб «Тил — дарё»номи билан китобча ҳолида чоп этилди.Бу хайрли ишни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти амалга оширди.

Гарчи мўъжазгина бўлсада, салобати тоғларга тенг ушбу рисолада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқланган ва амалиётга киритилган атамалар жамланган.



Мамлакатимизда мавжуд идоралар, корхона, ташкилотлар, хўжаликлар умуман барча фуқаролар фойдаланса бўладиган ушбу китоб талаффузимизни аниқ йўналишга солишда муҳим қўлланмадир.

Мазкур китоб «Ўзбекистон овози» газетаси буюртмаси билан чоп этилди.

Зумрад МАЖИТОВА,
талаба

«Пахта — 99»

МАРРА

Ўзбекистон жаннатмакон юрт эканлигининг яна бир ифодаси шуки, бу юртда пахта ҳам яхши битади. Шу дамларда пахтакорнинг «куни туққан». Куну тун пахтам дейди. Шунинг учун ҳам давлат хирмонига пахта топшириб, маррага етаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Мана, улар — халқ шарафига лойиқ пахтакорлар!

САМАРҚАНД. Вилоят пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини ошиқи билан бажардилар. Мўлжалдаги 23,5 минг тонна ўрнига 25453 тонна сара уруғлик жамғарилди. Ҳосилнинг асосий қисмини «Оқдарё-5», «Оқдарё-6», «С-90, 74», «Фарғона-3» «Омад», ва «Меҳр» сингари серҳосил, толаси сифатли навлар ташкил қилади.

НАРПАЙ. Туман заршунослари зафар қучишганига анча бўлди. Мавжуд 11700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан сифатли хомашё олиб, 31 минг тонналик хирмон уйишди. Ҳосилнинг асосий қисми биринчи навга топширилди. Тумандаги 18 та хўжаликдан 15 таси, 165та фермер хўжалигидан 120 таси йиллик режаларини бажаришган.

НУРОБОД. Деҳқонлар чўлда янги ўзлаштирилган пахта майдонларидан 1050 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб, зафар қучдилар.

ПАХТАЧИ. Туман пахтакорлари бу йил гектаридан 30 центнердан хомашё олиб, 33120 тонналик хирмон уйиб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар ҳосилдорликни 32 центнерга етказишга бел боғлаганлар.

НАМАНГАН. Ушбу туманда ҳам шартнома режаси 23 иш кунида вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. 22700 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. «Ўзбекистон», «Хонобод», «Навбаҳор» сингари хўжаликларда ҳосилдорлик гектарига 40 центнерга етди. Туманда фақат қишлоқ хўжалигининг ўзидан 1,5 миллиард сўм даромад олиш кутилмоқда.

НАВБАҲОР. Бу ерда 29400 тонна юқори навли саноат хомашёси армуғон этилди. Бу бултургига нисбатан 2,5 минг тонна кўп демакдир. Пахтакорлар яна 1000 тонна ҳосил йиғиб, хирмонни 30 минг тоннадан оширишга азму қарор қилишган. Дарвоқе, ғалабага «Янгиқўрғон», «Зарафшон», «Навбаҳор», «Истиқлол», Й. Охунбобоев, С. Жўраев номли жамоа хўжаликлари катта улуш қўшдилар.

БОЁВУТ. Ғалаба рапортига имзо чекиш ушбу туман пахтакорларига ҳам насиб этди. 44360 тоннадан зиёд пахта йиғиштириб олинди. Бу ютуқда «Боёвут», «3-Боёвут», «Тараққиёт», «Ғаллакор», Т. Латипов номли хўжаликларнинг улуши катта бўлди.

КОГОН. Аввалги шуҳратини тиклаш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Лекин когонликлар қолоқлик доғини ювишди. Вилоятда иккинчи бўлиб режани бажаришгани бунинг яққол далилидир. Шўр тупроқ ва сизот сувли шароитда 8840 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил олиб, 25 иш кунида қабул пунктларига 22800 тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Бу хирмонда «Ўзбекистон», «Нурафшон», «Гулистон», «Мустақиллик», «Когон», Баҳоуддин Нақшбанд номли жамоа ва ширкат хўжаликларининг ҳиссаси салмоқлидир.

ОҚҚЎРҒОН. Бу йил режадаги 39 минг тонна ўрнига 40380 тонналик хирмон уйилди. 11480 тоннаси машиналарда йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик ўртача 30 центнерни ташкил этди. Муваффақиятга «Оққўрғон», Сегизбоев номли давлат хўжаликлари, «Ўзбекистон», «Маданият» жамоа хўжаликлари салмоқли улуш қўшдилар.

ПСКЕНТ. Деҳқонлар режадаги 26700 тонналик хирмонни 27264 тоннага етказишди. Гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Ушбу хирмонни бунёд этишда тумандаги Й. Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», «Дўстлик», «Қирғизобод», «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжаликлари пахтакорлари жонбозлик кўрсатишди.

Ғалаба рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин ва давом этади ҳам. Негаки, кузнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билган бободеҳқон пахтанинг ўволи нелигини яхши билади. Шунинг учун ҳам бугуннинг ўзида қанча-қанча хўжаликлар, туманлар маррага етганлиги ҳақида зафарномалар битишди, эртага яна қанчаси битишади. Илоҳим бундай рўйхат ортгандан ортаверсин. Бу Ўзбекистоннинг бойигани, ўзбекнинг бойигани.

Газетада босилмади, аммо...

Товон пули тўланадиган бўлди

Андижон шаҳар ҳокимлиги Қўшариқ даҳаси 35-уй, 6-хонадонда яшовчи фуқаро Н. Мамажонова ва Х.Ибрагимовларнинг уй-жой масаласида ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Шаҳар ижроия комитетининг 1992 йил 25 февралдаги 58/4 сонли қарорига асосан «Меҳр оқибат» хиёбони қурилиши муносабати билан Маориф (собиқ Луначарский) кўчасидаги Н. Мамажоновага тегишли бўлган 26-уй бузилишга тушган.

Хонадон эгаси Н. Мамажоновага бузилган уй эвазига шаҳар ҳокимининг 1992 йил 22 сентябрдаги 328-К сонли қарорига асосан «Шўрбулоқ» даҳаси А. Исроилов 4-тор кўчасидан 400 кв. м. ер майдони уй қуриш учун ажратиб берилган ҳамда шаҳар ижроия комитетининг 1991 йил 23 июндаги 101/6 сонли қарорига асосан Қўшариқ даҳаси 35-уйнинг 6-хонадони вақтинчалик яшаб туриш учун ажратилган бўлиб, кейинчалик Н. Мамажонованинг аризасини инобатга олган ҳолда 1992 йилда бепул хусусийлаштириб берилган.

Лекин аризада кўрсатилган бузилишга тушган хонадон учун тўланиши керак бўлган 7005 сўм 30 тийин миқдоридаги товон пули ҳақиқатан тўланмаганлиги аниқланди.

Ҳозирда ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун керакли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Бу ҳақда аризачига маълум қилинди.

Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари
М. МАҚСУДОВ.

«Қонун ўзга, ҳаёт ўзгами?»

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 25 февраль сонида босилган «Қонун ўзга, ҳаёт ўзгами?» сарлавҳали танқидий мақола вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада келтирилган танқидий фактлар асосан тасдиқланди. Ҳақиқатдан ҳам Китоб тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Матлуба Жумаева 1992 йил 24 октябрда турмуш қурган фуқаролар Низом Расулов ва Муҳайё Нажимова ўртасида бир нафар фарзанди борлигини, тарафлар ўртасида мулкий низо келиб чиқиши мумкинлигини эътиборга олмасдан Низом Расуловнинг турмуш ўртоғи Муҳайё Нажимованинг руҳий касаллиги ҳақидаги маълумотнома ва II гуруҳ ногиронлиги ҳақидаги ҳужжатга асосан улар ўртасидаги никоҳни бекор қилган.

М. Жумаева бу ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 219-моддаси талабларини бузган. Чунки тегишли туман ёки шаҳар судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлган тақдирдагина, ФҲДЁ бўлимлари томонидан эр ёки хотиннинг аризасига асосан никоҳ бекор қилинади.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, Китоб туман ФҲДЁ бўлими мудираси М. Жумаева Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан интизомий жавобгарликка жалб этилган.

Мақолада келтирилган фуқаро М. Нажимовага тегишли бўлган даъволарни ҳал этиш юзасидан қўшимча равишда хизмат текшируви ўтказиш вилоят адлия бошқармасига топширилди.

Мақола вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси ходимлари, туман, шаҳар ФҲДЁ бўлимлари мудирлари иштирокида муҳокама қилиниб, бундай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари
Р.РАҲМОНОВ

Ковоқ – кони фойда

Ковоқнинг фойдали хусусиятларини биласизми? Уни минг дардга даво дейишади. Таркибида В, С, Д витаминлари бўлиб, у гепатит, камқонли, қабзият, томоқ оғриғи ва бошқа касалликларга қадимдан шифо, парҳез таом сифатида қўлланилган. Афсус шундай бир даво бўлдики, ковоқнинг шифобахшлик хусусияти анча унутилди. Лекин бугунги кунда бу сингари қадриятларимиз яна тикланмоқда. Биргина ковоқнинг дармон-дорилигини халқ ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Дилбар Мирасланова бошчилик қилаётган 40-оилавий поликлиникада сайл бўлиб ўтди. Унда 10 дан ортиқ ковоқ турлари намойиш қилинди, унинг хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи деворий газеталар тайёрланди, куй-қўшиқлар ижро этилди.

Карнай-сурнай садолари остида бошланган бу шодиёнани Шайхонтоҳур тумани ҳудудий тиббий бирлашма бошлиғи Салоҳиддин Бахриддинханов очиб, бундай деди: «Дастлаб уч минг аҳолига хизмат қилган,бу маскан бугунги кунда 42 минг кишига хизмат кўрсатмоқда. Ўн йилдан бери сидқидилдан, ҳалол меҳнат қилиб келаётган беш юздан ортиқ шифокору-ҳамшираларнинг ишидан барча мамнун. Бугунги сайлнинг ўтказилиши ҳам айни муддао бўлди. Истардимки, ўз навбатида тиббиёт ходимларимиз бу шифобахш полиз маҳсулотининг экиннинг фойдаси ҳақида халқ ўртасида тарғиб ишларини олиб борсалар».

Умида МАНСУРОВА
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Обуна — 2000»



«Ўзбекистон овози» — ўзбек, Ўзбекистон халқининг овози!
«Ўзбекистон овози» дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалади ва айни пайтда дунё мамлакатларидан хабарлар тарқатади Ўзбекистонга!
Ер шарида беш қитъа, олти миллиард аҳоли бор. Барчаси битта Заминда. Заминдошингиз оламларидан хабардор бўлишни истасангиз «Ўзбекистон овози»га обуна бўлинг!
«Ўзбекистон овози» — эртанинг газетаси!

Нашр индекси — 220.
Ва яна унутманг:
«Голос Узбекистана» — 121,
«Осиё бозори» — 174.

Толанинг харидори кўпаймоқда

Жаҳондаги энг кўп ва сифатли пахта етиштираётган мамлакатлар билан бўйлашишга юртимизда имкониятлар бор. Бунинг учун нав танлаш, юқори сифатли тола олиш, қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш, пахтакор ва корхоналар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш каби вазифаларни амалда ҳал қилиш зарур. Шаҳрисабз туманида бу борада яхши ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, кейинги ўн йиллар орасида бу йилгидек сертола пахта етиштирилмаган. Бунга қандай эришилди? Буюртмачилар толани талашиб харид қилишаётганининг сабаби нимада?

Аслида Шаҳрисабзнинг соз иқлимида мўл ва сифатли пахта етиштириш мумкинлиги собиқ мустамлака ҳукмронларининг хаёлини ўғирлагани тарихдан маълум. Биринчи жаҳон урушида катта талофат кўрганларига қарамай чор корчалонлари 1914 йилда Шаҳрисабзга темир йўл тортиб келганлар. 1916 йилда биринчи пахта тозалаш корхонасини тиклаб, қимматбаҳо хомашёни ташиб кета бошлаганлар. Худди шу жойда бугун улкан корхона ишлаб турибди ва ўз пахтамизни хорижий харидорларга жўнатмоқда...

— Айни четга тола жўнатаётган пайтда келдингиз, — дейди Шаҳрисабз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Ўктам Ҳақназаров. — Маҳсулотимиздан кўнглимиз тўқ. Америка, Швейцария, Голландия, Бельгия, Хитой каби ўнлаб мамлакатлардаги фирмалар пахтамизни талашиб харид қилишмоқда. Ҳозир янги ҳосилдан олган 200 тонна толани Швециянинг «Коже-Кат» фирмаси учун ортаямиз.

Ўктамжоннинг кўнглидаги фахр ва ғурур менга ҳам ўтди. Ғурурланмай бўладими, бир вақтлар кимга ва нима учун пахта жўнатаётганимизни билмасдик. Эндиликда жаҳоннинг тараққий этган давлатларидаги машҳур фирма ва корхоналар пахтакорларимиз меҳнатига юқори баҳо беришмоқда. Ўтган йили корхона 27 минг тонна пахтани қайта ишлаган бўлса, бу йил Шаҳрисабз туманининг 17,8 минг тонна, Китоб туманининг 12,6 минг тонна пахтасини олиш юзасидан шартнома тузди. Бўш қоп тик турмайди, дейдилар. Қаерда деҳқон меҳнати қадрланса, ўша жойда муваффақият тайин. Корхона январь ойидаёқ 80 фоиз маблағни хўжаликлар ҳисобига ўтказиб берди. Шаҳрисабз туманидаги Улуғбек, Парда Шербобоев, Болта Фозилов номли хўжаликлар асосий ҳосилни юқори навга топширишди. «Юлдуз», «Наманган-77» навли уруғлик пахтанинг энг кўп қисми ҳам шу туман пахтакорларининг ҳиссаси.

— Пахтакорларимиз меҳнатига ҳар қанча тасанно айтсак кам, — дейди корхона тайёрлов бўлими бошлиғи Маҳмасоли Бўтаев. — Ўтган йили бир килограмм пахтадан режадаги 32,6 фоиз ўрнига 33,4 фоиз тола олган эдик. Бу йил биринчи навли пахтадан 35,4 фоизгача тола ажратиб олаяпмиз. Қайта ишлаш жараёни ҳам такомиллашиб бормоқда. Бир суткада 200 тонна пахтани тозалаб бераётган «УХК» русумли агрегатнинг самарадорлиги 85 фоиздан ошиқ. Муҳандис-техник ходимлар тозалаш жараёнининг сифатини янада ошириш учун ўз ихтироларини жорий этишди. Улар республика фан ва техника Давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат патент идорасининг гувоҳномасини олишган. Йилига 2-3 миллион сўмни тежаб бераётган янги қурилма мамлакатда дастлаб бизнинг корхонада қўлланилмоқда.

Қайта ишлаш цехида 3 та «Жин» ва 10 та «Линтер» машиналари юқори унум билан ишлатилмоқда.

Истиқлол туфайли нафақат ҳосилдор пахта навларини етиштириш ва экиш, балки қайта ишлаш саноатини ҳам тараққий эттириш вазифалари қўйилмоқда. Корхона муҳандиси Маҳмасоли Бўтаев Австралиянинг Море ва Далби шаҳарларида тажриба ўрганиб қайтибди.

— Президентимизга минг марта раҳмат, — дейди у. — Йўқса, биз қайдаю, Австралия қаерда. Американинг «Дановант» фирмаси жаҳонга машҳур. Фирманинг Море шаҳридаги пахтани қайта ишлаш корхоналари билан таниш-дик. Битта заводи қурилганига 150 йил бўлган экан. Улар асосан Америка пахтасини экишади. Тола чиқиши ҳам 37-38 фоиз экан. Ишлаб чиқариш тўла компьютерлашган. Битта корхонада 7 киши ишлаяпти. Ватанимизга қайтаётганда, пахтакорларимиз меҳнат қилишда ҳеч кимдан кам эмаслиги, илғор технологияни ишчиларимиз бемалол ўзлаштиришлари ҳақида ўйлардим. Насиб этса, энг замонавий корхоналар қурилади.

Ҳа, бу кунлар узоқ эмас. Бундай корхоналарда Маҳмасоли ва унга ўхшаган муҳандисларимиз меҳнат қилишади. Корхоналарни эса ўз қўллари билан бунёд этадилар. Ўтмишда кулфатимизга айланган пахтамиз, энди чинакам миллий бойлигимиздир. Ундан-да улкан бойлигимиз халқимиз, унинг пахта етиштираётган, ҳар қандай заҳматга бардош бераётган фарзандларидир. Улар ҳамиша омон бўлишсин!

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Сайлов ва сайловчи

Кимга овоз беришимни биламан

Олий Мажлис депутатлиги ва мамлакат Президенти сайловларига тайёргарлик давом этмоқда. Булар ҳақида вақтли матбуотдан танишиб бораяпмиз. Жумладан, «Ўзбекистон овози» газетасида ҳам «Сайловчи сўз сўрайди», «Сайлов ва сайловчи» рукнлари остида мақолалар чоп этиляпти. Кўпчилик ёшлар каби мен ҳам сайловларда биринчи бор қатнашмоқдаман. Мен овоз беришдан олдин қўйилган номзод ва унинг дастури билан яқиндан танишаман. Беш йилга сайлайдиган номзодим қандай ишлар қилишга қодир? Унга ишониб овоз бersам бўладими? Шу саволларга жавоб излайман, чунки келажак тараққиётимизнинг бир томони шуларга боғлиқ. Мен овоз бераётган номзод шунчаки обрўли бирор раҳбар эмас, балки тафаккурли, халқ дардини ўз дарди деб билиши керак. Республикамизда 5 та сиёсий партия бор. Ҳар бир партия қўйган номзод келгусида қилажак ишлари режаси билан чиқади.

Сайловларда биринчи бор қатнашаётган ёшлар номзодлар дастурлари билан танишсалар ёмон бўлмасди. Бурунги сайловларда уч-тўрт кишининг ўрнига бир киши овоз берганлигини эшитиб қоламан. Ўзбекистонда яшаётган, шу юрт фуқаросиман деган ҳар бир одам бундай ишларга масъулият билан ёндошиши шарт, деган фикрдаман.

Азамат ТЎРАЕВ,
ТошДУ журналистика факультети
талабаси

Наманган вилоятида бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин тус олмоқда. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари ўз ҳудудларида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйишмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи 21-Қўқумбой, 24-Тошбулоқ, 35-Тўқувчи сайлов округларида олиб борилаётган ишлар ибратлидир.

13 кишини атрофига бирлаштирган вилоят сайлов комиссияси ва таркибида 540 киши бўлган 60 та округ сайлов комиссиялари учун етарли иш шароитлари яратиб берилган.

Суратда: вилоят кутубхонаси ходими Дилором Қаҳҳорова фаол тарғиботчилардан ҳисобланади.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат

Юрт кезган фермер

Тўлқинжон Турсунов Американинг Кентукки ва Индиана штатларидаги фермерлар ҳаёти ва иш фаолияти билан танишиб қайтган эди. Сафар таассуротлари билан ўртоқлашаркан у шундай дейди:

— Ишда тартиб-интизом америкалик фермерларда энг муҳим нарса саналар экан. Келаси йил экиладиган экин парвариши, ўғит, техника сарфи, олинадиган ҳосилга харидор масаласи каби муаммолар бир йил илгариёқ ҳал этилиб, бизнес-режа пухта бўлмаса ҳеч қандай ишга қўл урилмас экан. Лекин кузатувда билдимки, тиришқоқлик, куч, меҳнатни аямасликда бизнинг деҳқонларимиз улардан ўтса ўтадики, қолишмайди.

Ўтган йили Фурқат туманидаги «Талант» фермер хўжалиги раҳбари Т.Турсунов яна океан ортига бориб, Америка фермерлари иши билан янада чуқурроқ танишиб қайтди. Ўзининг мўъжаз хўжалигида «америкача» иш юритишга кучгайрат сарфлади. Ҳа, америкача ҳисобдонлигу ўзбекча меҳнатсеварлик уйғунлашса, натижа чакки бўлмас экан. Тўрт йил муқаддам атиги 6 бош қорамол билан иш бошлаган «Талант» фермасида шу кунга келиб қорамоллар сони 50 дан ошди. Хўжаликда бундан ташқари 20 дан ортиқ зотдор қўйлар ҳам боқиляпти. Изланувчан Тўлқинжон яна бир соҳа — йилқичиликни ҳам ривожлантириш мақсадида бир неча зотдор отлар парваришини бошлаб юборди. Фермер хўжалигида йилига 30 тоннадан ортиқ сут, 10 тонна гўшт етиштириб сотиляпти. Хўжалик дастлабки даврда олган қарзларидан бутунлай қутулиб, ўз ҳисоб рақамида салмоқли сармояга эга бўлди.

Албатта, бу нисбатан камтар рақамлар. Аммо томчида қуёш акс этганидек, Америка кўрган фермернинг кичик хўжалиги жадал, пишиқ-пухта режа асосида ривожланаётганлиги шу рақамларда ҳам кўриниб турибди. Тўлқинжоннинг орзулари катта. У чорвачилик биноларини америкача қуриш, уларда энг замонавий механизмларни ўрнатиш ва ишлатиш, чорва маҳсулдорлигини жаҳон андозаларига етказиш ниятида астойдил меҳнат қиляпти. Бунинг учун эса мустақил мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Гап режани амалга оширишда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ромитанлик «ҳотамтой»лар

ёҳуд давлат бюджети маблағига чанг солаётганларнинг кирдикорлари хусусида

Ромитанга кираверишда иккита кўприкка кўзингиз тушади. Бири серқатнов, иккинчисининг устида эса шинам чойхона. Асрлар шамолига бардош бериб келаётган бу ғиштин кўприкни ҳамма Чориқулбой кўприги дейишади. Бирам чиройли қурилганки, унинг ёнидан бефарқ ўтолмайсиз, ҳали ҳам ўз қоматини кўз-кўз қилиб турибди.

Айтишларича, Ромитанда бир чўпон йигит бўлган. Оққўнгил, меҳнатсевар бу йигит сурув ортидан юргани эвазига бойиб борган. Ҳатто қўйларининг сонсанағини ҳам билмаган. Аммо, йигит кибру ҳавога, манманликка берилмаган. Сабаби, уйига кираверишдаги эшик тепасига ўша эски чориғини илиб қўйганки, у ҳамиша йигитга кимлигини эслатиб турган. Чориқулбой сахийликда Ҳотамтойдан ҳам ўтган дейишади кўпчилик. Етимлар бошини силаган, ариқ очиб сув чиқарган, кўприклар қурган, элга ош берган. Шу боис ҳали-ҳануз ҳамма уни эслайди, у қурган кўприкни кўз қорачиғидек авайлашади. Ахир, у ўтмишдошимиздан хотира-да.

Аммо, Чориқулбойнинг бугунги айрим ҳамқишлоқларида унинг фазилатлари етишмаётгандай. Етим-есирлар, ёлғизлар, кам таъминланган оилаларга қайишиш ўрнига ўзим бўлай қабилида иш тутаётган, ўзига тинч, ҳар ҳолда тўқ яшаётган бўлишига қарамасдан давлат бераётган имтиёзларга ҳам кўз олайтираётганлар ҳақида эшитганингда шундай хулосага борасан, киши.

Юсуф Тоҳиров ҳали қиррқа киргани йўқ. Оилали, 4 нафар боласи, иссиққина иш жойи бор. «Қўрғон—Ромитан» жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлаётганига 4 йил бўляпти. Чунки, бош ҳисобчи Мустақим Сафаровнинг ҳам ишончига кирган. Мана Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низоми ва Президентнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига асосан нафақа олмоқчи бўлганларга даромадлари ҳақида маълумотномани ўзи беради. Агар шу ҳужжатларни озгина сохталаштирса ким суриштирарди? Ҳар ҳолда «кирим»и бор.

Шайтон васвасасига учган ҳисобчи турмуш ўртоғи Олия Дониёрова ва қизи Зумрад Тоҳироваларнинг 1997-1998 йиллардаги ҳақиқий даромадларини атайлаб

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

камайтириб кўрсатиб (бирини 845 сўмга, иккинчисини 6643 сўмга) бу маълумотномага бош ҳисобчига қўл қўйдирди, муҳр бостиради ҳамда «Қўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинига топширади. Шунинг эвазига унинг оиласига 1997 йил октябрь-декабрь, 1998 йилнинг январь-март ойларида 4500 сўм тўланади.

Афсуски, туман прокуратураси ходимлари мазкур масала юзасидан жойларда текшириш ўтказганларида бундай иллат чуқур илдиз отганлигига гувоҳ бўлдилар. Биргина «Қўрғон» фуқаролар йиғини ҳудудида («Қўрғон—Ромитан» жамоа хўжалиги) яшовчи 4 та оилага бултур 24744 сўм нафақа пуллари нотўғри тайинланган. Бунинг асосий сабабчиси «Қўрғон—Ромитан» жамоа хўжалиги ҳисобчиси Юсуф Тоҳиров хўжалик аъзолари даромадлари тўғрисидаги маълумотномани сохталаштириб берган.

Бундай ҳол «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ҳисобчилари фаолиятида ҳам кузатилди. Жамоа хўжалиги аъзолари Нутфулла Саидовнинг 6365 сўмлик, Дилмурод Аслоновнинг 5557 сўмлик даромадлари камайтириб кўрсатилган. Бундан ташқари, Сабоҳат Аҳмедованинг ипак қурти боқишдан олган 4407 сўмлик даромади ҳам яширилган. Натижада қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан бу оилаларнинг даромади ўрганилмай нафақа тайинланган ҳамда 18780 сўмлик бюджет маблағи талон-торож қилинган.

Мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Барно-Асад» деҳқон хўжалиги бош ҳисобчиси Остон Тиллаевнинг ҳаракатлари ҳам шунга мононд. У ўзи олган иш ҳақи пулини 1832 сўмга камайтириб маълумотнома тақдим этади ва 1998 йилнинг август-декабрь ойлари учун 9625 сўмни қуртдай санаб олади. У аслида 1997 йил ҳам «Мардон» савдо ишлаб чиқариш корхонасида ишлаганлиги тўғрисидаги маълумотнома орқали нафақа олган. Демак, икки жойда ишлайди, аммо даромади ҳақида бир жойдан (у ҳам бўлса камайтирилган ҳолда) маълумотнома тақдим этаверган.

Давлат ҳисобига ҳотамтойлик Ромитан шаҳридаги Яхши Наврўзов номли маҳалла фуқаролар йиғинида, шаҳардаги «Билим» савдо ишлаб чиқариш фирмасида ҳам рўй берган.

Шу ўринда бултур худди шундай қонунбузарликка йўл қўйган «Шўрчи» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Ромитан», «Шўрчи» жамоа хўжаликлари бош ҳисобчилари Фарҳод Идиев, Наим Усмонов, Ҳоди Ражабовларнинг жиноий жавобгарликка тортилганликлари кўпчиликка дарс бўлмагани ачинарлидир.

Ўз-ўзини бошқарув органларида ҳалол одамлар ишлаши даркор. Зеро, бундан буён фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доираси кенгаяди, уларга давлат ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич берилади. Демак, ромитанча ҳотамтойликлардан энди мустаҳкам ҳимояланиш керак. Кадрлар масаласини жиддий кўриб чиқиш зарур. Ҳокимлик бу борада янада жиддийроқ бош қотирса туб ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлар барҳам топиб, одамларнинг келажакка ишончи янада кучайган бўларди.

Мамасоли ҲАЙДАРОВ,
Ромитан тумани прокурори, биринчи даражали юрист.
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Пахта — 99»

Хирмон тўлиб тўкилди... пул

Тўғриси, олдинги йилларда кимларнингдир айби билан октябрь ойида теримчиларга ҳақ тўлаш асоссиз равишда тўхтатилиб қўйиларди. Бу албатта терим суръатига таъсир кўрсатмай қолмасди. Хоразм вилоят «Пахта банк» бошқармаси бошлиғи Азимбой Тангрибердиев билан суҳбатимиз одатдан ташқари савол билан бошланди.

— Йўқ, бу фикрга кўпам қўшилиб бўлмайди. Бу йил мавсумда пахтакорлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ етарли. Республика Молия вазирлиги ҳузурида янгидан ташкил қилинган давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси бунинг кафили. Биз ана шу жамғарманинг жойлардаги молиявий агентимиз. Шу сабабдан мавсум бошланишидан пахта терими учун ҳақ тўлаш ишларини аниқ ва пухта ташкил қилмоқдамиз.

— Мисоллар келтирсангиз...

— Теримнинг ўтган даврида 2 миллиард 130 миллион сўм миқдорида пул тўланди. Энг юқори кўрсаткич сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида қайд этилди. Ана шу ўн кунликда терилган пахта учун 700 миллиондан зиёдроқ сўм ўз вақтида тўланди.

— Гап фақат пулни етказиб беришдагина эмас-да. Маблағнинг жойларда қандай йўсинда теримчилар қўлига етиб бораяпти, бунда айрим камчиликлар содир этилмаслигига кафолат борми?

— Тўловларни назорат қилувчи гуруҳлар хўжаликларда пул тарқатиш учун масъул бўлган 800 нафар кассирлар фаолиятини изчил текшириб боришаётир. Ҳозирча бирон камчилик аниқланганича йўқ.

— Яна бир гап: аввалги йилларда теримчилар ишлаб топган маблағларининг аксар қисмини даромад солиғи сифатида тўлашга маҳкум этиларди. Бу ўз навбатида тушунмовчиликлар келтириб чиқарар, айниқса «кўп терсам, кўп солиқ ушлашади» деган кайфиятни ҳам яратарди...

— Солиқ тўғрисидаги Қонуннинг 59-моддаси 2-сўзбошисида белгилаб қўйилганидек, теримчиларга ҳақ тўлашда энг кам иш ҳақининг тўрт баравари даражасидан ози учун даромад солиғи ундирилмайди.

— Теримчилардан яна қанча «қарзингиз» қолди?

— Вилоятнинг пахта хирмони маррага яқинлаб қолди. Биз кузнинг серқуёш, қулай кунларида ҳосилнинг сўнгги тонналарини давлат хирмонларига териб топширадиган ва ўз меҳнатлари билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган деҳқонларимизга яна 270 миллион сўмликдан зиёд ҳалол ҳақларини ўз вақтида етказиб бериш кафолатини олганмиз.

— Мавсумда банкнинг кўпсонли ходимлари эрта-кеч бажарадиган бу хизматлари учун қўшимча ҳақ, мукофот олишадими?

— Йўқ. Бу бизнинг одатдаги хизматимиз. Лекин ўта савоб хизмат.

... Бир ярим ой ичида деҳқонларга тарқатилган бу маблағларнинг миқдорини шу нарса кўрсатадики, фақат теримчиларга тарқатилган пул вилоятда истиқомат қилаётган ҳар бир тирик жонга нақд 2 минг сўмдан тўғри келади. Мана буни ҳақиқий «пул хирмони»га қиёслаш мумкин.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ер ости ҳаёти

ёҳуд сунъий зилзила ҳосил қилиш мумкинми?

Сўнгги йилларда ер юзида бўлиб турган кучли ер қимирлашларининг тобора кўпайиб бориши ва улар оқибатидаги талофат кўламининг кенгайганлиги, аянчлироқ тус олиши одамларнинг тинчини бузяпти. Баъзи бир мамлакатлар ўртасидаги сиёсий беқарорликлар, ҳарбий тўқнашувлар, миллатлар орасидаги ҳунрезликлар кишилар қалбида турли гумонлар, тасалли топмас ваҳималар туғдирмоқда ва кўпчиликни: ер ости «портлашлари» орқали ерни қимирлатса бўладими? Ядро қуролларини ер остида синаш билан биздаги ер қимирлашлар орасида боғлиқлик борми? Тектоник қурол яратилганлиги ростми? сингари саволлар безовта қилмоқда.

Ер юзининг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларида ҳар йили бўлиб турадиган ер қимирлашлар 100 минглаб инсоннинг ёстиғини қуритади, 400-500 миллион доллар миқдорида иқтисодий зарар етказади. Агар исталган ерда ва хоҳлаган кучда сунъий равишда ер қимирлаши ташкил қилинса, катта талофат келтирувчи «тектоник урушлар» ва уларда қўлланиладиган «тектоник қуроллар», афсуски ҳақиқат бўлар эди. Оллоҳга шукрки, бундай эмас! Айнан шундай балонинг олдини олиш учун, 1978 йилдаёқ БМТ томонидан қабул қилинган конвенцияда «ер қимирлашга олиб келувчи сейсмик тўлқинларни уйготувчи барча усул ва услублар ман этилган». Ҳозирги кунга қадар бу конвенция моддалари бирор-бир давлат томонидан бузилиши қайд этилмаган. Аммо матбуот саҳифаларида, аҳён-аҳёнда шундай қурол яратиш мумкин ёки шундай қурол яратиш устида изланишлар ва тажрибалар олиб борилмоқда деган хабарларга ҳам кўзимиз тушиб қолади. Бунда ядро зарядини ер остида портлатиш масаласига, сунъий сейсмик тўлқинлар уйготувчи кучли манба сифатида алоҳида ўрин ажратилган. Бундай хабарлар, кўпинча, ер қаъри муаммоларига алоқасиз бўлган одамлар томонидан эълон қилинганлиги туфайлидир. Шов-шув сабабчиси бўлган бундай фикрлар геологлар, кон муҳандислари ва сейсмологларга ўхшаш портлатиш ишлари билан бевосита боғлиқ мутахассислар эътиборидан четда қолди. Бундан «руҳланган» нomутахассислар 1991 йили Бокуда ўтказилган «Йўналтирилган ер қимирлашларини ўрганишга» бағишланган ва 1994 йили Непал пойтахти Катмандуда олиб борилган «Кучли ер ости портлатишлари» билан боғлиқ халқаро илмий анжумандаги нотиқлар фикрига суяниб, илмий асослашга уринмоқдалар. Техноген таъсир йўли билан ер қимирлашини сунъий вужудга келтириш мумкинлигини инкор этмаса-да, бу муаммо таркибидаги баъзи бир масалага (кучли ер ости портлатишлари масаласига) аниқлик киритмоқчиман.

Нима сабабдан ер қимирлайди?

Кетма-кет бўлиб турадиган геологик жараёнлар натижасида ер ости чуқурликларида махсус турдаги қувват тўпланади. Бу қувватнинг кейинчалик тўлқинланиб, ташқарига чиқишининг бир тури — ер қимирлашидир. Ер қимирлаш орқали, ер остидаги ҳамма тектоник жараёнлар умумий қувватининг юздан бири ва қувватнинг дастлабки манбаларидан чиққан жами қудратнинг мингдан биридан озроғи ажралади. Қувватнинг қолган қисмлари тоғлар ташкил бўлишига, ер қитъаларининг аста силжишига ҳамда ер қобиғи ва мантияси бўйлаб нотекис тақсимланишига сарфланади. Бу жараён ер қобиғи ва устки мантиянинг геотектоник жиҳатдан фаол зоналарида бўлиб ўтади. Айнан, шу сабабдан, ер қимирлаш марказлари тезкор ва янги тектоник ҳаракатлар ривож топган майдонларга яқин жойлашгандир.

Ер қимирлаш маркази геологик муҳитнинг яхлитлиги узилган ердир. Бу узилиш, тектоник деформацияланиш жараёнида тарангланувчи кучланишлар таъсирида тўпланган қувват туфайли юзага келади. Узилиш (ёки ер қимирлаш) натижасида тўпланган бояги кучланиш тўлиғича ёки қисман бўшанади.

Ер қимирлашининг табиий марказларининг асосий хусусиятлари қуйидагича:

— ер силкинишидан қувватлари минглаб марта баланд бўлган ва доимий ҳаракатдаги ернинг барча кучлари билан ер қимирлашнинг туғма боғлиқлиги;

— ер қимирлаш марказларининг ер юзида жойлашуви тектоник жараёнларининг интенсив юзага келиши билан аниқланиши;

— кучли ер қимирлашларда юзага келган дарзликларнинг узунлиги юзлаб километрга, ер қимирлашга тайёрлов ҳудудларининг майдони эса бир неча миллион квадрат километрга етади;

— ер сейсмик режимининг доимийлиги.

Ер остида портлатиш ўтказилганида, айниқса портлатувчи модда сифатида ядро зарядидан фойдаланганда, бутунлай бошқача ҳолат кузатилади. Портловчи модда бир микросекунддан ҳам оз вақт ичида бир неча миллион атмосфера босимига ва бир неча миллион даража исиқликка эга бўлган ионлашган газга айланади. Бунда зўриқувчи тўлқин атроф-муҳитга тарқалиб, дастлаб тоғ жинсларини парлаштиради ва кейин уларни бутунлай парчалаб, «зўриқиш чегараси» деб аталган чегарагача бузиб юборади. Бу чегаранинг ташқарисида портлаш қуввати турли хил сейсмик тўлқинлар орасида тақсимланувчи сейсмик қувватга айланади. Аммо сейсмик тўлқинларга портлаш қувватининг жуда оз қисмигина насиб қилиб, унинг 95 фоизидан кўпроғи портлатиш бажарилган марказ атрофида юзага келувчи бошқарилиб бўлмайдиган жараёнларга сарф бўлади.

